Ушбу сонда:
2 МАЪНАВИЙ ЗАРАР хужалик раҳбаридан ундирилди
3 ТАЪЛИМГА САРФЛАНГАН БИР СЎМ вақти келиб ўн баробар бўлиб қайтади
4 Табиат ва биз ҲИСОР ҚЎРИҚХОНАСИДА



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 октябр, чоршанба №171 (1388)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Республика «Товар-хомашё биржаси» ҳиссадорлик жамиятининг Бухоро бўлими бизнес марказида халқ истеъмоли молларининг доимий ярмаркаси очилди.

Ярмаркада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мингдан ортиқ тур ва андозадаги кийим-кечаклар, газламалар, пойабзаллар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдога қўйилди. Ярмаркада «Ўзбекенгилсаноат», уюшмаси «Ўзозиқовқаттаъминот» уюшмалари, «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, қўшма ва кичик корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ярмарканинг биринчи кунида ишлаб чиқарувчи ва харидорлар ўртасида қарийб 160 миллион сўмлик шартнома имзоланди. «Кибо-Болалар», «ЎзСаламан» қўшма корхоналари пойабзалларига, «Бухоротекс», «Бухоросут» маҳсулотларига талаб, айниқса катта бўлди.

**(ЎзА).**

# ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



***29 октябр. Будапешт.***
***(ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).***

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифининг учинчи куни ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувдан бошланди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириши учун имкониятлар етарли эканлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга мазкур ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар бунга янада кенг йўл очди.

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов венгриялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда дадил ҳамкорлик қилишга чақирди. Зеро, хорижий сармоядорларнинг самарали фаолияти учун юртимизда барча ҳуқуқий ва амалий шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан венгриялик ишбилармонлар ҳам тўла фойдаланиши мумкин.

Ислом Каримовнинг Будапешт шаҳри мэри Габор Демски билан суҳбатида икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Будапешт Европанинг энг гўзал ва қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Шаҳарсозлик борасида венгрияликлар эришган ютуқлар Будапешт шаҳрида ўз ифодасини топган. Шаҳар саноати ҳам анча тараққий этган.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрия Республикаси Бош вазири Петер Медьеши билан суҳбатида ҳам асосий эътибор Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди.

Президентимиз шу куни Қироллик саройида Миллий галерея экспонатларини томоша қилди, Венгрия Миллий кутубхонасида сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Шунинг билан Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**(ЎзА).**

# БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

*Ҳурматли анжуман иштирокчилари!*

*Муҳим минтақавий ва жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муаммо - наркотик моддалар тарқатилишига қарши кураш масалаларини муҳокама этиш учун Тошкентга йиғилган сиз, азиз меҳмонларимизни самимий қутлайман.*

*Табиийки, ушбу вазифани бажаришда божхона органлари ғоят фаол рол ўйнаши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳам вакиллари мазкур анжуманда иштирок этаётган бошқа мамлакатлар каби, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва тарқатилишига қарши кураш муаммоларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Тобора кўпроқ ҳудуд ва давлатларни қамраб олаётган бу мудҳиш жиноятчиликнинг авж олиши ана шу иллатга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини зудлик билан жипслаштиришни тақозо этмоқда. Наркобизнесга қарши курашда ғоят кескин чоралар тарафдори бўлмиш Ўзбекистон бу борада зарур бўлган ҳамма ишни қилиб келди ва бундан буён ҳам бу йўлда қатъий туради.*

*Ҳозирги замон учун ғоят долзарб мавзудаги конференцияни ўтказишда Ўзбекистонга ишонч билдирилгани мамлакатимизнинг бу олижаноб ишга қўшаётган салмоқли ҳиссасининг Жаҳон божхона ташкилоти томонидан эътироф этилишидир. Мазкур анжуман «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддаларга, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга бирлашган ҳолда ёндашув» мавзусига бағишлаб 2000 йил Тошкентда ўтказилган конференциянинг мантиқий давомидир, десак хато бўлмайди.*

*Менинг назаримда, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш борасида биргаликда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бу соҳада баҳамжиҳат ҳаракат қилишнинг энг мақбул механизмларини излаб топиш ўтказилажак мунозараларнинг муҳим мақсади бўлиб қолиши лозим.*

*Биз ушбу конференцияни халқларимизнинг наркотик моддалардан холи бўлган соғлом истиқболини таъминлаш йўлида турли ёндашувлар ва фикрларни аниқлаш ҳамда бир-бирига яқинлаштириш имконини берадиган анжуман деб биламиз. Буюк Ипак йўли давлатларининг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш муаммоларига бағишланган айнан мана шундай амалий мулоқоти ушбу минтақаларда бу бало тарқалиши йўлига таъсирчан ғов солишга, аҳолининг, биринчи навбатда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга кўмаклашади.*

*Ишончим комилки, Тошкент конференцияси наркотик моддаларнинг тарқатилишига қарши фаол ҳаракат қилиш ишида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.*

*Ҳурматли конференция қатнашчилари, мана шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга муштарак режаларимизни рўёбга чиқаришда муваффақиятли ва самарали ишлашингизни тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЮРАКДАН-ЮРАККА

***АН-12 юк самолёти Урганч халқаро аэропортига жадвалдан ташқари вақтда қўнди. Махсус чартер рейс билан унда 20 дан ортиқ контейнерда инсонпарварлик ёрдами олиб келинди. Ундаги 7 тонна дори-дармонлар ва умумий қиймати 1 миллион 350 минг АҚШ долларига тенг ускуналар Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси даволаш муассасалари учун мўлжалланган.***

Бундай кенг кўламли тадбир «Heart to heart» («Юракдан-юракка») халқаро инсонпарварлик ташкилоти томонидан Америка оилавий шифокорлар академияси, АҚШ Давлат департаменти ва Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида амалга оширилмоқда.

- Бундай мурувват ёрдами мамлакатингизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказилмоқда,- деди «Heart to heart» президенти Гарри Морш. - «Қалб шифокорлари» деб аталувчи ва ташкилотимизнинг 10 йиллигига бағишланган лойиҳани бошлашдан олдин Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан маслаҳатлашдик ҳамда маҳаллий шифохоналар учун энг зарур дори-дармонлар ва бошқа даволаш воситаларини аниқладик. Оролбўйи минтақасида юзага келган экологик вазиятни ҳам инобатга олишга ҳаракат қилдик.

**(ЎзА).**

*Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига*





# ЁШАРГАН КЕШ

### меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олишга тайёр

Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйи арафасида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Байрам муносабати билан кўчалар, хиёбонлар, маҳаллалар ўзгача тароват касб этди. Кўп йиллик тарихдан дарак берувчи «Дорул-саодат», «Дорултиловат», «Чубин» мадрасаси, «Чорсу» ҳамда «Оқсарой» мажмуалари таъмирланди.

— Хоразм, Тошкент, Андижон шаҳарларидан келган қўли гул усталар иштирокида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, - дейди Шаҳрисабз шаҳар ҳокими Алиқул Тошев. — Тарихий обидаларни таъмирлашда қарийб 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

«Чубин» мадрасаси кўқонлик усталар қўлида сайқал топган бўлса, бухороликлар тарихий обидаларга олиб борадиган йўлакчаларни таъмирладилар. Мамлакатимиз раҳбари яқинда кўҳна Кешда бўлганларида байрам ўтадиган майдонга ўзгариш киритилиши, у меҳмонлар қалбида ўчмас из қолдирилиши хусусида сўз юритгандилар. Шаҳар ана шу асосда таъмирланди.

Асосий томошалар ўтадиган Амир Темур майдонида 32 минг кв. метр йўлакчалар ётқизилди. Амир Темур ҳайкали пойи гранит плиталар билан қопланди. Бу ишларни «Ўзсантехгазмонтажқурилиш» акциядорлик жамияти амалга оширди.

Шаҳар ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий музей замон талабига мос қилиб таъмирланди. Бунинг учун 300 миллион сўм маблағ сарфланди. Санъат саройида байрам кунлари турли тадбирлар ўтказилади. 450 томошабинга мўлжалланган маданият кошонаси қайта таъмирдан сўнг янада маҳобатлироқ кўринишга эга бўлди. Амир Темур майдонига рўбарў бўлган сарой олд майдончаларига чиройли ва бежирим плиталар терилди.

1800 томошабинга мўлжалланган Амфитеатр атрофини безовчи турли плакатлар кўзга яққол ташланади. Меҳмонларни қабул қилувчи «Ормент-стар-Шаҳрисабз» меҳмонхона мажмуи шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Байрам муносабати билан марказий «Ипак Йўли», Шерозий, Файзулла Хўжаев номли кўчаларга қайтадан асфальт ётқизилди.

Ватан — остонадан бошланади, дейди донолар. Шаҳарга кираверишда Танхоз дарёси устидаги кўприкнинг ҳар иккала қирғоғида катта ҳажмдаги тупроқ ишлари амалга оширилиб, бу ерда махсус сув ҳавзаси барпо этилди. Бу ерда сайилгоҳнинг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди. «Ҳисораксувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари амалга оширган бу иншоот келгусида меҳнаткашлар мириқиб дам оладиган масканга айланади.

Шаҳарга кирар экансиз, йўлнинг чап томонидаги тўрт қаватли шинам бино диққатингизни тортади. Жуда қисқа муддатда қад ростлаган Шаҳрисабз Тиббиёт коллежи юбилей арафасида фойдаланишга топширилади.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси мусаввирлари шаҳарнинг кўзга кўринарли жойларига байрамни мадҳ этувчи плакатлар ўрнатдилар.

— Қўли гул уста Фарҳоджон Усмонов томонидан яратилган безаклар маданият саройи залларига янада мафтункорлик бахш этди, - дея суҳбатни давом эттирди «Ўзсантехгазмонтажқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли вилоят бирлашмаси раҳбари Раҳматилла Мейлиқулов. — XV асрда Амир Темур авлодлари томонидан яратилган безаклар айнан маданият саройи эшик ва шифтларида такрорланиб, ўз аксини топди. Эшназар Жонқувватов, Жуманазар Эшдавлатов, Обиджон Муқимов, Қаҳрамон Тошев сингари қурувчилар таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этдилар.

Байрам тантаналарида юздан ортиқ давлатдан вакиллар қатнашиши кутилмоқда. Меҳмонлар учун барча шарт-шароитлар яратилиб, байрам дастурлари ўтказишга ҳозирлаб қўйилди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**





# БОЖХОНАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ БОШЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Буюк ипак йўлида жойлашган давлатларнинг гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликдаги курашига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) шафеълигида ўтказилаётган мазкур тадбирда ўттизга яқин мамлакатларнинг божхона идоралари ва йирик халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари Рустам Юнусов ўқиб эшиттирди.***

Анжуманда сўзга чиққан ЖБТ Бош котиби Мишел Дане Ўзбекистон божхона органларининг фаолиятига юқори баҳо берар экан, Жаҳон божхоначиларининг ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро ахборот алмашишни янги поғонага кўтаришда мазкур халқаро анжуман муҳим рол ўйнашини таъкидлади.

Анжуманнинг асосий мақсади гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Буюк ипак йўлида жойлашган давлатлар божхона идораларининг амалий ҳаракатларини бирлаштирувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон божхоначилари томонидан гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтилаётган 30 тоннага яқин гиёҳванд моддалар ҳамда 76 тонна прекурсорлар, жумладан, героин ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган сирка ангидриди ушлаб қолинди. 2000 йилда Тошкент вилоятидаги «Ойбек» божхона постида Россия Федерациясига пиёз олиб кетаётган «КамАЗ» юк машинаси текшириб кўрилганда, автомобил кузовининг тагида ярим тоннага яқин гиёҳванд модда яширинча жойлангани фош этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буюк ипак йўлида жойлашган давлатларнинг гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликдаги курашига бағишланган ушбу йирик анжуманнинг ЖБТ шафеълигида Тошкентда ўтказилаётгани бежиз эмас. Анжуман Ўзбекистоннинг бу борада олиб бораётган амалий ишлари халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолатдир.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Истиқлол берган имкон*

***Сирасини айтганда, кўпларни бу ҳудудларнинг ерости бойликларигина қизиқтирган. Яқин вақтларгача бу ерлик одамларнинг турмушини, саломатлигини яхшилаш эътибордан четда эди. Умуман, ижтимоий масалалар айтарли ҳал этилмаган. Шўро салтанатининг етмиш йиллик ҳукмронлиги даврида битта ҳам замонавий шифохона қурилмаганидан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.***

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР

Мустақилликдан сўнг, 90-йилларнинг бошида Нуробод туманида марказий шифохонанинг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Бу билан туманда нафақат тиббий хизматнинг аҳволи, балки ходимларнинг ҳам иш шароити яхшиланди. Ишга муносабат ўзгарди. Туман аҳолисининг тиббий хизматдан фойдаланиш ва унинг шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоядан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш учун ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар яратишга киришилди. Бунинг учун, энг аввало шифокорлар малакасини ошириш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди.

— Дашт минтақасида аҳолининг тарқоқ жойлашганлиги, хизмат ҳудудининг кенглиги, вилоят марказидан узоқлиги тиббий хизматни юқори даражага кўтаришни тақозо этарди. Шунинг учун туман марказида янги шифохона қурилди. Бироқ, бу ҳам етарли эмасди, — дейди Нуробод туман марказий шифохонаси бош ҳакими З.Кенгбоев. — Чунки баъзи қишлоқлар туман марказидан 80-90 чақирим олисда жойлашган. Шу боис ҳам ўша жойларнинг ўзида тиббиёт масканларини барпо этиш зарурати бор эди. Беш йил мобайнида туманда 8 та қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Улар малакали мутахассислар, дори-дармонлар, тиббиёт ускуналари билан таъминланди. Энг олис Нурдум, Олға, Саҳоба каби қишлоқларнинг аҳолиси ҳам эндиликда ўз жойида малакали тиббий хизматдан фойдаланишлари мумкин. Бу йил Анжирли қишлоғида врачлик пункти ишга туширилади. Эндиликда тумандаги тиббиёт муассасаларининг моддий-молиявий аҳволини яхшилашга киришилди. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига ер ажратилиши мўлжалланган. Бу тадбир орқали тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, манфаатдорлигини ошириш мумкин бўлади.

Тиббий хизмат сифати мутахассислар малакасига боғлиқ, албатта. Шу боис кейинги йилларда бу соҳага ҳам кўпроқ эътибор қаратилди. Натижада республикамизнинг йирик илмий марказларида ўнлаб шифокорлар махсус ўқувларда қатнашдилар. Ҳозир туманда ишлаб турган шифокорларнинг 17,8 фоизи, ўрта тиббиёт ходимларининг 26,9 фоизи малака тоифаларига эга.

— Янги бинолар қуриш, мавжудларини таъмирлаш тиббий хизмат сифатини ошириш билан бирга ходимларнинг иш шароитини, меҳнат муҳофазасини яхшилашга ҳам хизмат қилади, — дея суҳбатга қўшилди касабақўм раиси Т.Сафаров. — Ўтган қисқа вақтда барча қишлоқ тиббиёт масканларида шароит талаб даражасига келтирилди. Фақат шу йилнинг ўзида меҳнат муҳофазасига 500 минг сўм ажратилиб, жамоа шартномасида белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Масалан, Сазоғон, Сариқул, Тим қишлоқларидаги қишлоқ врачлик пункти бинолари таъмирланиб, иш шароитлари яхшиланди. Ходимлар учун дам олиш хоналари ҳам жиҳозланди. Икки йил олдин барча талабларга мос келадиган шошилинч тиббий ёрдам бўлими ишга тушди. Айни вақтда туғруқ бўлими таъмирланмоқда. Бундан ташқари, ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш яхшиланди. Бунинг учун Нурбулоқ маъданли сувларидан фойдаланилаяпти.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



# ХОНАДОНЛАРДА ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАЛАРИ

ЮНЕСКО қарорига биноан эртаиндин Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Айни пайтда шаҳарда кўплаб ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилди. Тарихий обидалар таъмирланди. Юбилей муносибати билан шаҳар ва шаҳар атрофидаги хонадонларга газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилмоқда.

—Байрам муносабати билан шаҳарда 3.5 километр юқори босимли газ қувурлари тортилди,—дейди «Вилоятгазтаъминот» шуъба корхонаси директори Алишер Ҳамидов.—Юбилей кунигача яна 2.3 километр ўрта босимли газ қувурлари ўтказилади. Жами туман қишлоқларида 27 километрли ўрта босимли газ қувурлари тортилиб, қиш мавсумига пухта тайёргарлик билан келдик.

Айни пайтда шаҳар ва қишлоқ аҳоли хонадонларига газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиш учун туманлардан кўмакка келган 80 нафардан ортиқ пайвандчи, чилангар ва таъмирловчилар иштирок этяпти. Бунинг учун ҳозиргача 160 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Таъмирловчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Газчилар шу йўл билан аҳолини қишги мавсумга тайёргарлигини ҳам таъминлаяптилар. Бу ишда Сафар Мўминов, Муҳиддин Пардаев, Фахриддин Очилов, Турсун Шаропов, Муборакдан Саттор Қубулов, Барот Аҳмедов, Суннат Ҳусанов, Нурхон Ҳайдаров сингари таъмирловчилар алоҳида ўрнак кўрсатаяптилар. Газчилар ҳозиргача 11 минг 624 хонадонга газ ҳисоблаш ускуналар ўрнатдилар. Вазирлар Маҳкамасининг қарориги кўра юбилей кунигача бу рақам 13 мингтага етказилади.



**Суратларда: газчилар иш фаолиятидан лавҳалар.**

*Хабарлар оқимидан*

## РАҚОБАТ МУҲИТИ КУЧАЙМОҚДА

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида Олмаликда 87 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олинди. Натижада 724 та янги иш ўрни яратилди. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик шахслар 452 тага, жисмоний шахслар 1 минг 800 тага етди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида эркин рақобатни кучайтириб, истеъмол моллари ва хизмат турлари нархи пасайишига олиб келмоқда.

- Хусусий корхона ёки микрофирма очиш мақсадида бизга мурожаат қилаётганлар сони кўпаймоқда,- дейди шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Ғафуржон Сайдалиев. - Шу боисдан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида иш қизғин. Якка тартибдаги хусусий тадбиркорларнинг ҳам, юридик шахсларнинг ҳам ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштириб берилаяпти.

Палата қошида «Мароқанд» кўп тармоқли ахборот-маслаҳат маркази ишлаб турибди. Марказ хусусий корхона очиш учун таъсис ҳужжатлари тайёрлаш, кредит олиш учун зарур ҳужжатлар тўпламини йиғиш, юридик маслаҳатлар бериш, шартномалар тузиш, банкда ҳисоб рақами очиш, муҳр тайёрлашда тадбиркорларга ёрдам бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити аниқ бизнес режа асосида ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илғор усулларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош сифатли маҳсулот етказиб беришни тақозо этади. Шаҳар ҳокимлиги қошидаги хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доимий комиссияси ёрдами боис йилнинг ўтган тўққиз ойида ҳали оёққа туриб улгурмаган, аммо истиқболда зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга 28 та кичик корхона сақлаб қолинди. Хусусий тадбиркорлик учун шаҳар тижорат банклари томонидан салкам 1 миллиард сўмлик кредит берилди.

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

***Бугун буюртмачи қаерда арзон, сифатли, бежирим маҳсулотлар бўлса, ўша ерга ошиқади. Ҳалол рақобат муҳитида ҳозирча Бухоро вилоят босмахонаси матбаачиларига етадиган топилмаяпти.***

# ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

— Энг аввало корхонамизни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга қаратганмиз. Бунинг эвазига офсет усулида марказлашган ҳолда китоб ва газеталарни чоп қилиш имконига эга бўлдик. Компьютердан самарали фойдаланиб, буюртмалар тайёрлаш технологияси ҳам ўзлаштирилди, - дейди корхона раҳбари Ўткир Ибодуллаев.

Жамоа тилга тушишининг яна бир жиҳати борга ўхшайди. У ҳам бўлса иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро меҳнати, ижтимоий-иқтисодий, касбий ва ташкилий муносабатларини мувофиқлаштириб турувчи меъёрий ҳужжат-жамоа шартномасининг ижроси билан боғлиқ.

Маъмурият билан касаба уюшмасида муштараклик мавжуд. Бу, асосан ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш, ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу тарзда корхона ходимларининг даромадларини ошириш энг муҳим вазифа қилиб қўйилаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Корхона жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ, 62 миллион 224 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Бу 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоизга кўпдир. Шу тариқа белгиланган режа 1,5 бараварга ошириб бажарилди.

Ўтган даврда газеталарни чоп этиш ҳисобидан корхонага келиб тушган маблағ 39 миллион сўмни ташкил этди. 24 миллион сўмлик бежирим, сифатли иш қоғозлари, шунингдек дафтарлар, ўқув қуроллари, концелярия моллари тайёрланганлиги ҳам қувонарлидир.

— Бозор шароитида изланган ютади. Тадбиркорлик асосида анча қулай, анча ихчам бўлган ён дафтарчалар, турли маълумотномаларни ўз ичига олган китобчалар, телефон обонентларининг рўйхати илова қилинган нашрлар, турли катталикдаги ёзув қоғозлари, папкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Булар ҳам маълум даражада қўшимча даромад олиш имконини берди, - сўзида давом этади Ў.Ибодуллаев.

Ҳа, қаерда янгиликка интилиш кучли бўлиб, жамоа аъзоларининг унумли ва баракали меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган бўлса, у ерда ўсиш суръатлари ҳамиша юқори бўлади. Йил моҳиятидан келиб чиқиб, ходимларга бериладиган имтиёз ва енгилликларнинг кенгайиши ҳам маълум даражада ўзининг ижобий самарасини беради.

·— Мен шу жамоада узоқ йиллар\ҳарф терувчи бўлиб ишлаб, ҳаётда ўз ўрнимни топганимдан ғоятда хурсандман. Гарчи ҳозир нафақада бўлсамда, қадрдон жамоамизни тез-тез соғинаман. Байрамларда бир пиёла чой баҳонасида дилдан суҳбатлашиб қайтаман. Раҳбариятнинг турли совға-саломлар улашиши, оддий бир ходимга бўлган иззат-ҳурмати қалбимни тоғдек кўтарди, - дея ўз миннатдорчилигини изҳор этади меҳнат фахрийси Солиҳа ая Файзуллаева.

Зарарли участкаларда ишловчилар учун сут-қатиқ маҳсулотлари берилади. Ишчиларга мукофот пули, моддий ёрдам, таътилга чиққанда бир ойлик миқдорда қўшимча тўлов, қишки озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун корхона ҳисобидан қўшимча маблағ ажратилади. Шу боисдан ҳам Лола Ҳайитова, Расул Нажимов, Мурод Ҳамидов, Феруза Аҳмедова сингари ходимлар корхона довруғини янада ошириш иштиёқида баракали меҳнат қилиб, элга танилмоқдалар.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Food Expo Uzbekistan - 2002» халқаро кўргазмаси очилди. У кўргазмалар ўтказишга ихтисослашган «TNT Production,Inc.» /АҚШ/ компанияси томонидан «Ўзэкспомарказ» билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бу йил мазкур халқаро компания мамлакатимизда еттинчи бор кўргазма ўтказмоқда. Уларда озиқ-овқат, агротехника, қадоқлаш саноатидаги энг сўнгги ютуқлар намойиш этилмоқда, Ўзбекистон тадбиркорлари Германия, Ҳиндистон, Россия, Швейцария, Шри-Ланка, Қозоғистон каби мамлакатларнинг замонавий технологиялари ва ускуналари билан танишмоқда. Мамлакатимиз томонидан кўргазмада «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Туфин» қўшма корхонаси ва бошқалар иштирок этмоқда.

Кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш ва озиқ-овқат саноати ускуналари намуналари кенг намойиш этилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, олинган маълумотларни кичик ва ўрта тадбиркорлари билан бир қаторда, йирик бизнес вакиллари ҳам қўллай олади. Масалан, маҳаллий дистрибюторларни бевосита озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компаниялар билан шартномалар тузиш имконияти қизиқтириши мумкин. Кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш ускуналарига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга.

**(ЎзА)**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# МАЪНАВИЙ ЗАРАР
## хўжалик раҳбаридан ундирилди

Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулла қишлоғида истиқомат қилувчи З.Ишметова вилоят адлия бошқармасига адолатли ҳимоя сўраб мурожаат қилди. Гап шундаки, у «Бурчмулла» деҳқон фермер хўжалигининг раҳбари Ш.Раҳимжонов билан ўн йилга шартнома имзолаб, 1,76 гектар ерни ижарага олди. Шартнома бўйича ижарачи йилига 700 минг сўмлик узум етиштириб, топшириш керак. Ишловчига тўланадиган йиллик иш ҳақи 210 минг 120 сўмни ташкил этиши ҳам белгилаб қўйилди. З.Ишметова ғайрат билан меҳнат қилиб, кўзланган маррани эгаллаш ҳаракатида бўлди.

Сахий табиатимиз айрим вақтларда ўз мураккабликлари билан деҳқонларни шошириб қўяди. Ўша йилги мавсумда айниқса, тоғли қишлоқда бошланган совуқ токзорларга ҳам таъсир этди. Мутахассислар табиий офат етказган зарарни умумий ҳосилнинг 30 фоизи миқдорида белгилаб, ҳужжат расмийлаштиришди. Шунга қараб, ижарачи топширадиган ҳосил миқдори камайтирилиб, 4 тонна 224 килограмм кам ҳисобланди. Лекин З.Ишметова 8 тонна, 816 килограмм эмас, 7 тонна 840 килограмм узум топширди. Ҳамма асаббузарликлар шундан кейин бошланди. Хўжалик раҳбари совуқ уриши натижасида ҳосилдорлик 30 фоизга камайиб кетганлиги ҳақида хулоса борлигини била туриб, ижарачидан шартномада белгиланган ҳосилни тўлалигича топширишни талаб қилди. Кейинчалик, бошқарув раиси ва бош ҳисобчи етказилган зарарни қоплаш мақсадида ижарачи Ишметова ойма-ой олиши лозим бўлган иш ҳақи ва ҳатто декрет таътили пулларини ҳам «босиб» қолишди.

Ўртадаги низони ҳал этиш жараёнида ер майдони қайтадан ўлчаб кўрилганида 1,76 гектар эмас, 1,63 гектар эканлиги аниқланди. Бунда албатта умумий ҳосилдорлик миқдори яна камаяди. Шундай қилиб, Ишметова топшириши лозим бўлган неъмат табиий офатни назарда тутиб ҳисобланганида 8 тонна 816 килограмм эканлиги маълум бўлди. Ижарачи 7 тонна 840 килограмм узум топширган. Бунда шартнома бандида кўрсатилган минерал ўғитнинг хўжалик томонидан ўз вақтида берилмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилди. Шундай бўлса-да, З.Ишметованинг ҳар ойда оладиган 3008 сўм 84 тийин иш ҳақи ва декрет таътили учун бериладиган, ижтимоий таъминот маблағи бўлган 56 минг 351 сўм ҳам қўшилиб, жами 59 минг 360 сўм пули ушлаб қолинди. Шу ўринда раҳбар ўзи имзолаган шартноманинг яна бир бандини писанд қилмади. Унинг 4-бандида хўжалик ва пудратчи ўртасида пайдо бўлган низолар суд орқали ҳал этилиши кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 202 - ва 203 - моддаларида шартнома асосида ходимга ишониб топширилган нарса учун қонуний жавобгарлик масалалари аниқ белгилаб берилган. Ушбу кодекснинг 207- моддасида зарарни иш берувчи томонидан ундирилиш ҳоллари ҳам баён этилган. Етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида уни ундириш масаласи ҳал этилиши керак. Лекин Ишметовага ноябр, декабр ойларигача иш ҳақи ёзилган. Шунингдек, Меҳнат Кодексининг 233-моддасида ҳомиладорлик таътиллари учун давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади... аёлга тўлиқ берилади, деган сатрлар бор.

Аммо раис Ш.Раҳимжонов ўзи имзолаган шартнома бандларига ҳам, юқоридаги қонун моддалари ва бандларига беписандлик билан қаради, «Мен нима десам шу бўлади», қабилида иш тутди. Оқибатда, Заҳробуви Ишметова ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб Тошкент вилоят Адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Адлия бошқармасининг малакали мутахассислари томонидан иш чуқур ўрганилиб, зарур далилий ҳужжатлар асосида Чирчиқ туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди. Суд масалани адолатли ҳал этиб, даъвогарга 56 минг 355 сўм декрет таътили пули ҳамда ойига 3008 сўм 84 тийиндан тўғри келадиган ойлик маошни хўжаликдан ундириб бериш ҳақида ҳал қилувчи қарор чиқарди. Бунда пулнинг қадрсизланиш даражаси, минимал ойлик миқдорининг ошиш даражаси ҳам ҳисобга олиниб, ойлик маош 4842 сўм 88 тийин қилиб белгиланди. Суд шунингдек, давлат божи - 3059 сўм 70 тийинни тўлашни ҳам жавобгар - хўжалик зиммасига юклади. Яна, бошқарув раиси Ш.Раҳимжоновдан З.Ишметова фойдасига 100 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Раис Ш.Раҳимжонов бундан норози бўлиб, апелляция шикояти билан вилоят фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилади. Вилоят суди ишни атрофлича ўрганиб, Чирчиқ туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикояти қаноатлантирилмасин, деган қарорга келди.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## БИЗНЕС-КУРС ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтдаги Ўзбекистон-Япония марказида «Профессионал менежмент дастури» бизнес-курси кундузги бўлим тингловчиларининг битирув маросими бўлиб ўтди.

Бу Япония ҳукуматининг техник ҳамкорлик дастури доирасида ташкил этилган мазкур курс тайёрлаган иккинчи туркум мутахассислардир. 20 ҳафта давом этган бизнес-курсда танлов орқали саралаб олинган 22 нафар тингловчи менежмент бўйича билим ва малакасини оширди. Курс маърузаларини Япониядан ташриф буюрган мутахассислар ўқиди.

Ўқув давомида тингловчилар учун амалий дарслар ҳам ташкил этилди. Машғулотлар жараёнида тингловчилар хусусий ўрта ва кичик корхоналарда бўлиб, назарий билимларини синаб кўрди.

**(ЎзА).**

## Саволларингизга ТДЮИнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

# ЯНА ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ХУСУСИДА




**САВОЛ: ёшим 46 да. 1979 йилдан — 1990 йилгача врач-эпидимолог; 1990-1993 йилларда — СЭСнинг «СПИД» лабораториясида врач-лаборант; 1994-2002 йилларда эса СЭСнинг Радио-иммуно лабораториясида врач-лаборант (лаборатория мудири) бўлиб ишлаб келдим. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгаманми?**

**Майрам ЮНУСОВА, Олтинкўл тумани.**

**ЖАВОБ**: амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида белгиланган имтиёзли, яъни умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12-майда қабул қилинган 250-сон қарори билан 2-сон рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатнинг I қисми XXII бўлимида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ҳисобланган радиоактив моддалар ва бошқа турдаги нурланишлар билан боғлиқ ишлар рўйхати келтирилган. Ушбу рўйхатга мувофиқ, санитар-эпидимологик станцияларининг радиация хавфсизлиги хизматида ишлаган иш жойи 226 радийнинг 10 милликюридан ошиқроқ ҳаракатдаги радиоактив моддалар билан ёки шунга эквивалент бўлган радиотаксил моддалари билан доимо ишлаган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассислар имтиёзли (эркаклар - 50 ёшдан, аёллар - 45 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқига эга. Бундай ишларда ишлаганлиги махсус маълумотнома билан тасдиқланган маълумотнома бўлиши лозим, яъни «Имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини аниқлаштирувчи маълумотнома» ва ушбу маълумотноманинг намунаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-иловасида келтирилган. Бундай маълумотнома ходимларнинг иш жойидан тақдим этилади.

«СПИД» лабораториясида ишлар ва лавозимлар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлар, касблар, ишлаб чиқаришлар ва кўрсаткичлар рўйхатида назарда тутилмаган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасада ишлаган ходим сифатида Сиз юқорида айтиб ўтган қонуннинг 12-моддасига мувофиқ агар махсус иш стажингиз қишлоқ жойда камида 25 йил, шаҳарда эса камида 30 йилни ташкил қилса имтиёзли, яъни, 50 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эгасиз.

**САВОЛ: ёшим 60 да. 1959 йилдан бошлаб ҳозиргача ишлаяпман. Иш ҳақим 10 000 сўм. Менга пенсия қанча миқдорда тайинланади?**

**Эгамберган БЕКБЕРГАНОВ, Урганч шаҳри.**

**ЖАВОБ**: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисда»ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, пенсия миқдори меҳнат стажига ва иш ҳақига боғлиқ бўлиб, уч таркибий қисмдан иборат. Булар:

1. Пенсия таянч миқдори;
2. Иш стажи учун пенсиянинг оширилиши;
3. Пенсияга қўшиладиган устамалар.

Ёшга доир пенсия учун, пенсияларнинг таянч миқдори - ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизини ташкил этади. Қонуннинг 7-моддасида белгиланган иш стажида ортиқча ҳар бир йили учун пенсиянинг таянч миқдори бир фоизга оширилади. Сизнинг хатингизда келтирилган даврлар: 2002-1959=43 йил умумий меҳнат стажининг 25 йилидан таянч миқдори ҳисобланса, қолган (ортиқча) 18 йил учун пенсиянинг таянч миқдори 18 фоизга оширилади: (55 % + 18%)= 73 % Пенсия миқдорини ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи бир ойдан эмас, балки бутун меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет келган беш йил давомида олган ойлик иш ҳақидан ҳисобланади. (Қонуннинг 31-моддаси) Беш йил дегани-олтмиш календарь ой дегани. Шунинг учун ўртача ойлик иш ҳақи олтмиш календар ой давомида олинган ойликлар ўзаро қўшилиб, сўнг олтмишга бўлиниши йўли билан аниқланади. Шу боисдан ҳам сиз айтаётган 10 000 сўм ўртача ойлик иш ҳақи сифатида ҳисобланиши мумкин эмас.

Пенсияга устамалар тўғрисида гапирсак, улар қонуннинг 28 моддасида келтирилган бўлиб, ногиронлар, уруш қатнашчилари ва Ўзбекистон республикасида алоҳида хизмат кўрсатганлар учун белгиланган. «Меҳнат Ветерани» деган унвон эса бундай хизматлар доирасига кирмайди. Демак, сизнинг пенсиянгиз миқдори кетма-кет келган беш йиллик меҳнат ҳақидан ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг 73% ни ташкил қилади.

*Ижтимоий ҳимоя*

# ТАЪЛИМГА САРФЛАНГАН БИР СЎМ

## вақти келиб ўн баробар бўлиб қайтади

Ўзбек романчилиги бешигини тебратган хассос адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида шундай манзара бор: «Моҳира ойим Офтоб ойимдан сўради:

— Марғилондан етиб келгунча ҳам жуда бир ерга етгандирсизлар?

— Унча чарчаганимиз йўқ, - деди Офтоб ойим, - ўзи Марғилондан Тошкандгача арава йўли ўн кунлик экан, биз чарчамайлик, деб секин-секин ўн икки кунда келдик...»

Бугун эса ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Матиз», «Тико», «Дамас» автомобиллари ушбу масофани Қамчиқ довони орқали 4-5 соатда босиб ўтади. Албатта, замон ва маскан тушунчаларини инкор этмаган ҳолда айтишимиз жоизки, бунга истиқлол туфайлигина эришиш мумкин бўлди. Ҳатто велосипед ҳам четдан келтирилган ҳамда сифатсиз йўллари латифаларга мавзу бўлган жойда амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ишлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу бежиз эмас. Чунки йўллар мамлакат қон томиридир.

Қўлига диплом олиб қайноқ ҳаёт оғушига сингиб кетган йигит-қизлар ҳам, бу йил кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб талабалик бахтига муяссар бўлган ёшлар ҳам нақадар шарафли ва масъулиятли касбни танлаганликларини яхши биладилар. Чунки йўл қурган ҳам, бировнинг узоғини яқин қилган ҳам баб-баравар савобга доҳилдир:

Тошкент автомобил-йўллар институти яқинда ўзининг ўттиз йиллик тўйини нишонлади. Қутловлар, мукофотлар, бир пиёла чой устида самимий суҳбатлар ҳам бўлди. Бир сўз билан айтганда, юбилей авлодлар учрашувига айланиб кетди.

Топган гул, топмаган бир бош пиёз, деганларидек ҳеч кимни унутмасликка ҳаракат қилдик. Олийгоҳимиз ташкил топгандан буён меҳнат қилиб келаётган 75 кишига 1 миллион 700 минг сўмлик совға топширилди: ким сарполик, ким поёндозлик бўлди. Талабаларимизни ҳам эсдан чиқармадик — байрам баҳона уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Кези келганда қайд этмоқ ўринлики, сидқидилдан меҳнатни қадрлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бизда, таъбир жоиз бўлса, байрамлар, тантаналар ёхуд қандайдир саналаргагина боғлаб қўйилмаган. Балки бизнинг ўзгалардан фарқимиз ҳам шундадир. Саналар ўз йўлига, ёзги таътил билан боғлиқ хайрли юмушлар ҳам режа асосида амалга оширилаверади. Бошқача айтганда, бизда ижтимоий ҳимоя доимийлик негизига қурилган. Масалан, ректоримиз ташаббуси билан профессор-ўқитувчиларни рейтинг комиссияси тавсиясига кўра рағбатлантириш йўлга қўйилган бўлиб, баҳолашнинг бу усули таълим бериш савиясини муттасил юксак поғонада сақлаб туриш имконини бермоқда. Иш ҳақига устама деб айтиш мумкин бўлган ушбу тадбир учун ҳар ойда 1 миллион 845 минг сўм ажратилмоқда.

Кези келганда, эътиборингизни ўқитиш савияси билан боғлиқ яна бир жиҳатга тортишни истардим. Иститутимиз факультетларидан бири «Иқтидорли талабалар ва магистратура» деб аталади. «Магистратура» нима эканлигини, албатта, ҳозир ҳамма билади. Аммо «иқтидорли талабалар» ибораси бироз изоҳ талаб қилади. Гап шундаки, бизда қобилиятли йигит-қизларни биринчи курсданоқ аниқлаб олиб, уларни бир жойга жамулжам этган ҳолда ўқитиш мавжуд. Танлов эса одатдагидек: тест синовларидан сўнг талабаларни инглиз тили ва математикадан қайта имтиҳондан ўтказилади, тўплаган балига қараб энг қобилиятлилар мазкур факультетга қабул қилинади.

Айтиш лозимки, таълимнинг бу усули ўзини оқламоқда. Буни толиби илмларимизнинг турли танловларда муваффақиятли қатнашиб келаётгани ҳам тасдиқлайди. Икки талабамиз айни пайтда Германияда таҳсил олаётган бўлса, учинчи курс талабаси Марат Ботирбеков Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши стипендиясини олмоқда. Уч йилдирки, факультетлараро ўтказиб келаётганимиз «Қувноқлар ва зукколар» танлов-беллашувимиз бизга янги-янги талантларни тақдим этаётир.

Ёшлар Ватан келажаги. Зеро, муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи даркор. Шу боис талабаларимиз бутун диққат-эътиборни билим олишга қаратишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни қилмоқдамиз. Яқинда оилавий шароитлари оғир 200дан зиёд талабаларимизга 10 минг сўмдан ёрдам қилинди. Касалманд, дори-дармонга эҳтиёжи борларга эса 6 минг сўмдан кўмак уюштирилди. Икки йилдирки, кам таъминланган, ота-онаси йўқ толиби илмларимизга ҳар ҳайитда кийим-бош совға қилиш анъана тусини олмоқда. Шунингдек, талабалар уйида яшовчи юздан зиёд йигит-қизларга ижтимоий ва маиший шароитларини яхшилаб олишлари учун 5 минг сўмдан ёрдам пули берилди.

Хоҳ талаба бўлсин, хоҳ ўқитувчи-профессор бўлсин, улар истаган пайтда касаба уюшма қўмитаси раиси, ижтимоий бўлим бошлиғи ҳамда маънавият проректори таркибида тузилган доимий комиссияга кўмак сўраб мурожаат этишлари мумкин. Комиссия ўзининг ойлик йиғилишида тушган аризаларни кўриб чиқиб, бир маош миқдори қадар ёрдам кўрсатиш ваколатига эга.

Ўқув йили арафасида яна бир савобли ишга қўл урилди. Иститутимиз ҳудудида мавжуд ошхона ва буфетлар фаолияти ўрганиб чиқилиб, комиссия хулосасини инобатга олган ҳолда ғоят муҳим қарорга келинди; натижада умумий овқатланиш шоҳобчаларида нарх-наво имкон даражасида пасайтирилди.

АҚШда бир нақл жуда машҳур: мамлакат юзини кўрмоқчи бўлсанг, унинг йўлларига боқ. Шу маънода, бемалол айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон тобора чирой очмоқда; Бунда олийгоҳимизни тугатган мутахассисларнинг ҳам муносиб улуши борлиги бизни фахрлантиради. Айни вақтда масъулият юклайди; ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди — турмушимиз ҳозиргидан-да чиройли ва сермазмун бўлиши керак. Бу ёғи яна ўзимизга боғлиқ.

**Абдуқаҳҳор ТЎЛАГАНОВ, Тошкент автомобил-йўллар институти касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Истеъмолчи манфаати—муқаддас*

# САВДОДАГИ ҚАЛБАКИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Яқинда бир гуруҳ обуначилар Қумқўрғон туманидаги «Мирсодиқ» соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш хусусий фирмаси дорихонасининг ноқонуний ишларини ёритишни маслаҳат беришди. Биз масалага ойдинлик киритиш учун Сурхондарё вилоят Соғлиқни сақлаш Бошқармаси ҳузуридаги дори-дармонлар бўйича сифат назорати ҳайъати ҳамда қатор мутасадди идоралардаги мутахассисларга мурожаат қилдик.

— «Мирсодиқ» соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш хусусий фирмасига қарашли дорихона шифохонамиз ихтиёридаги бинода жойлашган. Бу ҳолат Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Вазирлиги кўрсатмасига мутлақо зиддир. Бу ҳақда бир қатор идораларга мурожаат қилдик. Натижа бўлмади. Қолаверса, дорихона фаолияти ҳам қониқарсиз аҳволда, - дейди Қумқўрғон туман 2-сонли шифохона бош ҳакими А.Нормуродов.

— Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши, Сурхондарё вилоят Ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси асосида мазкур дорихона текширилганда сотувчи С.Алимардонова уй кийимида савдо қилаётган экан. Дорихона мудири Х.Алимардонов эса ходимларни кийим-бош билан таъминламаган. Бу ерда тозаликка ҳам эътибор сезилмайди. Савдо пештахтасида 38 турдаги дори-дармонлар кўрсатилиб, нархлари қўйилган. Бироқ 13 турдаги дори-дармоннинг нархи сотувчи томонидан тасдиқланмаган. Дорихонада 195 турдаги дори-дармонлар ва тиббий буюмлар мавжуд бўлиб, шулардан Давлат реестрига кирмаган 10 турдаги турли давлатларда ишлаб чиқарилган 24 та дори-дармон бемалол сотувга чиқарилган. Уларнинг жами баҳоси 74470 сўмни ташкил этди. Бу Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 июлдаги 276-сонли қарори 1,3-бандларининг қўпол равишда бузилганини тасдиқлайди, - дейди Сурхондарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари, сифат назорати ҳайъати раиси К.Тулаев.

Текшириш давомида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404 сонли қарори бажарилиши ҳам таъминланмаганлиги аниқланди. Яъни, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дорихоналарда бўлиши шарт бўлган 20 турдаги дори-дармонлар ва тиббий воситалардан баъзилари умуман савдода йўқ. Айримлари сотувда бир донадан бўлиб, хўжа кўрсин учун қўйилган. Сотув залига чиқарилган дори-дармон маҳсулотларининг яроқлилиги кўриб чиқилганда 17 турдаги 181650 сўмлик воситалар вилоят назорат-таҳлил лабораторияси кўригидан ўтказилмасдан сотилаётганлиги аниқланди. Боз устига бу ерда қалбаки дори-дармон мавжуд эди. Текшириш хулосаларига асосан тўпланган барча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигига қонуний чора кўриш учун юборилди

Ўйлаймизки, нуфузли идора раҳбарлари юқоридаги камчиликларни тугатиш учун барча чора-тадбирларни кўрадилар.

**Рустам ДАВЛАТ «Ишонч» мухбири.**

## ТИНЧЛИК - ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ

Бугун бутун дунё халқлари сайёрамизнинг турли қитъаларида содир бўлаётган қўпорувчилик ҳаракатларини кескин қораламоқда. Бир неча кун илгари Россия пойтахтида юз берган террорчилик ҳаракати жаҳон жамоатчилигини яна бир бор хушёрликка даъват этди.

Амударё, Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманлари ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари, диний муассаса ходимлари иштирокида Беруний туманида бўлиб ўтган минтақавий семинар ушбу мавзуга бағишланди.

Минтақавий семинарда сўзга чиққанлар огоҳликни кучайтириш, аҳоли барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қарор топган тинчлик ва осойишталик аҳамияти хусусида мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш хусусида фикр алмашди.

# ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ АДВОКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Япония билан кенг кўламдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, жумладан, ҳуқуқ соҳасидаги алоқалар кун сайин ривожланмоқда. Бунга Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил Японияга ташрифидан сўнг янада кенг йўл очилди. Ўзбекистон ва Япония адвокатлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик бунга мисол бўла олади.

- Мустақилликка эришгунимизга қадар бизда адвокатура тизими фақат қоғоздагина мавжуд эди, - деди Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсати раиси ўринбосари Гулнора Эшонхонова ЎзА мухбирига. - Истиқлол туфайли адвокатура мавқеи тобора ортаётир. Юртимиз адвокатлари жаҳон тажрибасидан баҳраманд бўлмоқда.

Шу йил баҳорда Нагоя университетида ўтказилган «Марказий Осиёда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари» мавзуидаги халқаро симпозиум икки мамлакат адвокатлари ҳамкорлигига йўл очди. Унда иштирок этган юртимиз адвокатлари Япониядаги ҳуқуқий тизим билан яқиндан танишди. Таъкидлаш жоизки, япон адвокатлари ягона уюшмага бирлашган. Уларга зарур шарт-шароитни мазкур уюшма яратиб беради.

Японияннинг JICA халқаро агентлиги кўмаги билан яқинда бир гуруҳ япон адвокатлари юртимизда бўлиб, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишди. Ушбу ташриф самараси ўлароқ, Япония адвокатлари уюшмаси ҳамда JICA вакиллари билан мамлакатимиз адвокатура тизимини янада ривожлантиришга яқиндан кўмаклашиш борасида келишиб олинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ОТИХ САММИТИ ЯКУНЛАНДИ

Осиё-Тинч уммони Иқтисодий Ҳамкорлиги (ОТИХ) ташкилотига аъзо давлатларнинг Мексиканинг курорт шаҳарчаси Лос-Кабосда ўтказилган навбатдаги саммити ўз ишини тамомлади. Унда Осиё ва Тинч уммони минтақасида жойлашган 21 мамлакатнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Унда мазкур ҳудудда фаолият юритаётган мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларни янада ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди. Шунингдек, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик, халқаро терроризмга қарши кураш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур жараёнлар батафсил ёритилган декларация бир овоздан қабул қилинди.

## МУХОЛИФОТДА ЖИПСЛИК ЙЎҚ

Газетамизнинг ўтган сонларида хабар берганимиздек, Венесуэлада умумий иш ташлаш жараёни амалга оширилди. Лекин, мамлакат президенти Уго Чавеснинг истеъфосини ва президентлик сайловларини қайтадан ўтказишни талаб қилган мухолифот кучлари ўзларининг қаторида жипслик йўқлигини яққол намойиш қилдилар. Бироқ, мухолифот бундай тадбирни яна ўтказиш билан таҳдид қилмоқда. Мамлакатнинг вице-президенти Хосе Висенте Рангель ва меҳнат вазири Мария Кристина Иглесиосларнинг айтишича, мухолифот тўлиқ муваффақиятсизликка учраган. Энг муҳими, Америка Давлатлари Уюшмаси (АДУ) каби халқаро ташкилотлар мухолифотчиларни қораладилар.

## ЯНГИ РЕЖА АСОСИДА

АҚШ давлат котибининг Яқин Шарқ масалалари бўйича махсус ўринбосари Уильям Бернс Исроилга сафар қилди. У бу ерга келиш олдидан Миср, Урдун, Саудия Арабистони, Сурия, Лубнон каби араб давлатларида бўлди. Мазкур юришдан мақсад Исроил-Фаластин ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал этишга қаратилган, уч йилга мўлжалланган янги режани амалга оширишдир. Эндиликда «Йўл харитаси» деб аталган, АҚШ, Россия, БМТ ва Оврупо Иттифоқи ҳамкорликда ишлаб чиққан мазкур ҳужжат томонлар иштирокида чуқур ўрганилиши лозим.

## АВФИЯ — САВОБ ИШ

Халқаро авфия маҳкамаси борлигини камдан-кам одам билади. Аммо шундай ташкилот мавжуддир. Бош қароргоҳи Лондонда жойлашган Халқаро Авфия Ташкилоти (ХАТ)да 50 дан зиёд мамлакатлар вакилларидан иборат юзлаб ходимлар ва 100 нафардан ошиқ кўнгиллилар хизмат қиладилар. ХАТнинг 100 дан ортиқ давлатларда ваколатхоналари ишлайди, улар савоб иш ҳисобланган авфия масалалари билан шуғулланади. Айни пайтда мазкур ташкилотни бир неча йил БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссари бўлиб ишлаган Айрин Кан хоним бошқармоқда. У ХАТнинг бош котиби этиб 2001 йил августида сайланган эди. А.Кан куни-кеча Москвага келди. У қатор идораларда бўлиб, авфия жараёнлари билан танишади.

## ЭТНА УЙҒОНДИ

Оврўпо қитъасида энг катта ва ўта хавфли ҳисобланган Этна вулқони яна жунбушга келди. Ўтган якшанба куни уйғонган вулқон бутун Сицилия ороли аҳолисини бир зумда ваҳимага солиб қўйди. Вулқон ҳаракатга келишидан олдин Рихтер жадвали бўйича 2,9 ва 3,5 балли 200 га яқин ер силкинишлари кузатилди. Табиий офат доирасидаги Катания тайёрагоҳи дарҳол ёпилди. Меҳмонхоналарда турган сайёҳлар ва ён-атрофдаги аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Айрим давлат идоралари ҳам ёпиб қўйилди.

## АТЛАНТИКА БИЛАН БЕЛЛАШУВ

Мана, бир ҳафтадирки, Россиянинг довюрак сайёҳи Фёдор Конюхов Атлантика уммони кенгликларида сузиб юрибди. У ўзининг мўъжаз «Уралаз» қайиғида ҳозир 200 милдан зиёд масофани босиб ўтди. Канар оролларидан йўлга отланган Ф.Конюховнинг ниятлари олийжаноб. Унинг асосий мақсади юз кун ичида Америка қитъасини кашф этган машҳур сайёҳ — Христофор Колумб изидан бориб, янги йўналишларни кашф этишдир.



*Академик лицейлар фаолиятидан*

# КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

## Давлат тест маркази билан боғланди

***Юртимиз илмий салоҳиятини юксалтириш, иқтидорли, истеъдодли кадрларни тарбиялаш, комил инсонларни вояга етказиш Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицей фаолиятининг асосий йўналиши экани амалда исботланмоқда. 2001-2002 ўқув йили якуни билан ўқитувчиларнинг билим даражаси ЎМКҲТ Маркази томонидан синовдан ўтказилганда мазкур лицей кўрсатган натижа республика лицейлари ўртасида энг яхши деб қайд этилди.***

Агар ўтган йили лицей битирувчиларидан 90 нафари турли олий ўқув юртларига қабул қилинган бўлса, бу йил 148 битирувчидан 144 нафари олий ва ўрта махсус билим даргоҳларига тест синовларидан муваффақиятли ўтдилар. Уларнинг 93 нафари давлат гранти асосида талаба деган ном эгаси бўлди. Ўқувчилар аниқ, табиий фанлар, ижтимоий ва хорижий филология йўналишлари бўйича сабоқ олаётган бу масканга ўқувчиларни қабул қилиш ҳам юқори талаблар даражасида ташкил этилмоқда. Шунинг учун фақат, иқтидорли, илмга чанқоқ, интилувчан ёшларгина билим даргоҳига қабул қилинмоқда. Лицейда 3 та компьютер, 5 та магнитафон хоналари мавжуд. Биология фани ўқув хонаси мультмедиа тизими билан таъминланган. Компьютер маркази Давлат тест маркази билан тўғридан-тўғри боғланган, бу ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги ўзгариш ва янгиликлардан воқиф бўлишларига имкон яратмоқда. Каттагина китоб жамғармаси бўлган кутубхонадан ўқувчилар ўзларига керакли дарслик, қўлланма ва илмий адабиётларни қийналмай топа олишади.

Лицейда бугунги кунда 400 нафарга яқин ўқувчи таълим олаётган бўлса, уларга 40 нафардан ортиқ малакали ўқитувчи таълим-тарбия бераяпти, - дейди академик лицей директори Хўрозбой Эралиев. Табиийки, уларнинг барчаси ўз касбининг устаси бўлган, юқори малакали мураббийлардир. Лицей ўқув жараёнини жаҳон таълим тизими янги андозалари билан бойитиш мақсадида ўтган йили уч нафар ўқитувчимиз Жанубий Кореяда бўлиб хориж тажрибасини ўрганиб қайтди. Шу асосда янги педагогик ташкилотлар билим жараёнига дадил жорий этилмоқда. Ана шундай жонкуяр ўқитувчилардан Л.Зайнутдинова «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. С.Фахриддинова, Ш.Тошназаров, С.Янгибоевлар эса «Ўзбекистон республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби бўлдилар.

Таълим тизимида ислоҳотларнинг нечоғлик амалга оширилаётгани ўқувчиларнинг кўрик-танловлар иштирокида яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, ўтган йили лицей ўқувчиларидан У.Каримов ва А.Тошевлар республика фан олимпиадасида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб муддатидан илгари республика олий ўқув юртларига тест синовларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, «Ёш математиклар» республика биринчи симпозиумида 6 нафар ўқувчи ўз илмий ишлари билан қатнашиб фахрли ўринларни олди. С.Зубтиев «Ёш биологлар» республика танловида, Ҳ.Бобоёров «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқич вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва тарбия интеграцияси» мавзуидаги республика анжуманида совринли ўринларни эгаллади.

Лицейда ёшларнинг бадиий ижодкорлик ҳамда илмий ишлар билан шуғулланишлари кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шу кунгача уларнинг ўндан ортиқ бадиий, илмий асарлари чоп этилгани бунинг жонли мисолидир. Райҳона Ҳақназарованинг «Кўнгил дафтари», Сарвиноз Қодированинг «Орзулар остонаси», Ҳулкар Хўжамованинг «Гулдаста» шеърий тўпламлари китобхонлар томонидан илиқ қарши олинди. Шунингдек, Бахтинур Бердиеванинг «Юртим тарихига бир назар» ва «Навбаҳор тумани тарихи», Нодира Мусаеванинг «Математик иншо», Лола Зойированинг «Шофиркон тарихи», «Физика атамалари луғати» каби рисолалари бу ўқув масканида юртимиз тарихини, фан сирларини чуқур ўрганишга иштиёқманд ёшлар камолга етаётганидан дарак беради.

Лицейда спорт билан шуғулланиш ҳам ёшларнинг энг севимли машғулотларидан бирига айланган. Шу боисдан ҳам спортнинг теннис, шоҳмот-шашка турлари бўйича лицей ўқувчилари вилоятида пешқадамликни қўлдан бермай келаётгани ажабланарли эмас.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Дўстлик туманидаги Ғафур Ғулом номли 2-ўрта мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Бахтиёр Элов ўғиллари Муҳиддинжон ҳамда Ўлмасжонларга санъат сирларини мунтазам ўргатиб келмоқда. Улар туманда оилавий санъаткорлар сифатида ҳам танилган.

**Б.НОРҚУЛОВ олган сурат.**

# ФАН, АДАБИЁТ ВА ТИНЧЛИК СОҲАСИДА

## 2002 йил Нобель мукофоти совриндорлари

Жаҳондаги энг нуфузли мукофотлардан бўлган Нобель мукофоти фан, адабиёт ва тинчлик соҳасида эришилган юксак ютуқлар учун йигирманчи аср бошидан буён ҳар йили тақдим этилади. Совриндорлар рўйхати октябрда (Нобель туғилган ойда) эълон қилинади.

Бу йилги тиббиёт ва физиология соҳасидаги соврин молекуляр генетиклар Сидни Бреннер ва Жон Салстон (Буюк Британия), шунингдек Роберт Хорвиц (АҚШ)ларга берилди. Улар чувалчанглар билан тажриба ўтказиб, организм ривожланишининг генетик регуляцияси ва тўқималар ўлими қандай программалашувини аниқладилар. Бу тадқиқот якунлари айниқса формацевт-доришунослар учун аҳамиятли бўлиб, рак (саратон) касаллигига қарши дори тайёрлаш имконини беради.

Кимё соҳасидаги соврин Жон Фенн (АҚШ) ва Коити Танака (Япония), Курт Вютрих (Швейцария)ларга биологик макромолекулаларни идентификациялаш ва таркибий таҳлил услубларини яратганликлари учун тақдим этилди. Улардан бири 80-йиллар бошида протеинларнинг уч ўлчови таркибини аниқлаш учун ядро-магнит резонанси услубини биринчи бўлиб қўллаган. Ушбу тадқиқот натижалари тиббиёт учун амалий аҳамият касб этади.

Физика фани соҳасидаги соврин америкаликлар Реймонд Дэвис ва Рикардо Жаккони ҳамда япониялик Масотаси Косибага насиб этди. Уларнинг кашфиётини қисқа қилиб «космосга янги дарча очиш» деб изоҳлаш мумкин. Олимлар космик нейтриноларни аниқлаш ва ўрганиш бўйича муҳим янгилик яратдилар. Улар томонидан охирги 30 йил мобайнида 2 мингдан ортиқ нейтрино ўрганилган. Яратилган детектор қурилмаси ёрдамида астрофизика тарихида биринчи марта жуда узоқдаги ўта янги нейтрино портлаши кузатилган. Космосдан келадиган рентген нурланишини қайд этувчи бир қатор қурилмалар яратилди.

Адабиёт соҳасидаги мукофот венгер ёзувчиси Имре Кертесга топшириладиган бўлди. Ёзувчи асарларида ижтимоий кучларга боғланиш тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда ҳам инсоният мустақил яшаши ва фикрлаши мумкинлиги тадқиқ этилган.

Иқтисодиёт бўйича соврин (1969 йилдан берила бошланган) америкалик Дэниел Канеман ва Вернон Смитларга насиб этди. 68 ёшли Канеман асли психолог (руҳшунос) бўлиб, Принстон университетида инсонларнинг иқтисодий муносабатларда доим ҳам рационал, яъни иқтисодиёт дарсликларидагидек ҳаракат қилавермасликларини аниқлаган. Унинг фикрича, «иқтисодий одам» башорат масалаларида ўта ўзига ишонган ҳолда иш юритади, фойда ва таваккалчиликда иррационал қарорлар қабул қилади, оқибатда кўпгина инвестицион банкларнинг нотўғри прогнозлари бозорлар инқирозига олиб келади.

75 ёшли Смит эса Жорж Мэйсон университетида кўпгина тажрибалар орқали инсонлар харид ва сотув чоғида рационал ҳаракат қилишларини исботлаб берди. Демак, Нобель мукофоти икки қарама-қарши ғоя намоёндаларига берилган. Бу ерда хатолик йўқ, чунки ҳозирги давр иқтисодий шароитида иккала совриндор ҳам ҳақ: агар бозор муомаласида бутун жамоа томонидан қарор қабул қилинса, Смит ҳақ: агар айрим индивидлар шундай қарорни қабул қилсалар, унда Канеман ҳақ бўлиб чиқади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, иррационалиндивидларнинг биргаликдаги хулқ-атвори рационал башорат қилиниши мумкин.

Юқоридаги 5 та соврин Швеция Қироллик академияси томонидан тантанали тақдим этилади.

Олтинчи соврин — тинчликни сақлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги учун АҚШнинг 39-президенти Жеймс Эрл Картерга берилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу соврин Нобель васиятига кўра, Норвегия Қироллик академияси томонидан Осло шаҳрида топширилади. Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, Картер демократик партия намоёндаси бўлиб, 1946 йилда ҳарбий-денгиз академиясини тугатган, 1953 йилгача ҳарбий-денгиз кучларида хизмат қилди, 1971-75 йиллари Жоржия штатида губернатор бўлган, 1977-81 йиллари — президент. Давлат арбоби ва сиёсатшунос Картер 150 дан ортиқ давлатда бўлган, хусусан, Югославия, Босния ва Герцеговина, Шарқий Тимордаги урушларни тартибга солиш ва бостиришда воситачилик қилган.

Нобель мукофоти совриндорлари ишбилармон ва олим оламдан ўтган кун — 10 декабрда тантанали равишда тақдирланадилар. Соврин миқдори фонд жамғармасига боғлиқ, одатда ҳар бир соҳа учун тахминан 1 миллион АҚШ доллари берилади. Агар бир соҳа бўйича бир нечта номзод бўлса, соврин тенг бўлакларга бўлиб берилади.

**Абдуҳалил РАЗЗОҚОВ,**
**ТДИУ профессори.**

# САМАРАЛИ ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР

Ўзбекистон Банклар уюшмаси хузурида фаолият кўрсатаётган Банк-молия академияси малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда у банк-молия тизими ривожланишни тадқиқ этувчи йирик илмий марказга айланиб қолди.

Мана беш йилдирки, академия республика фан ва техналогиялар марказининг илмий тадқиқот ишларни ўтказувчилардан бири ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида марказ тадқиқотларга 50 га яқин олим ва амалиётчи жалб этилди.

Илмий жамоа томонидан умумий хажми 142 босма табоқ бўлган еттита илмий ахборот ишлаб чиқилди. Бу ишланма марказга топширилиб,яхши баҳо олди.

Академия илмий жамоаси «фан ва технологиялар маркази» учун «Банк тизимини эркинлаштиришнинг устувор йўналишларни ишлаб чиқиш» мавзуидаги тадқиқотни ҳам амалга оширди.

Бундан ташқари академияда ўтказилган халқаро конференция натижалари бўйича учта маъруза тезислари тўплами босиб чиқарилди.

Бу натижаларда академиянинг профессорлари, докторантлари, аспирантлари, магистрлари ва мамлакат банк-молия тизими ходимларининг 315 та маъруза тезислари ёритилди.

# МАЪРУЗА-ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тамонидан энг яхши маъруза матнларини рағбатлантириш бўйича кўрилаётган тадбирлар талаба ёшлар билимини мустахкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда эълон қилинган республика танловида Тошкент автомобил ва йўллар институти профессор ўқитувчилари маъруза матинларидан бир нечтаси ғолиб деб топилди.

Чиндан хам олий ўқув юртида ўқув адабиётларини яратишга катта аҳамият берилмоқда. Ўқув режаларидаги 239та билим бўйича маъруза матнлари тайёрланиши ва уларнинг электрон версиялари талабаларга етказилиши буни яққол кўрсатиб турибди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, институт олимлари томонидан «ТВФ» ва «ЕУТТ» йўналишлари бўйича 20 га яқин фандан тайёрланган маъруза матнлари турдош олий ўқув юртларига етказиб берилди. 20 га яқин матн эса Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этиш учун тавсия этилди.

Бундан ташқари «ЭКОЛОГИЯ», «НАЗАРИЙ МЕХАНИКА» фанларидан маъруза матнлари ҳам юқори баҳо олди.

**А. АЛИЕВ.**

# ТУРГАН-БИТГАНИ ФОЙДА

## «Туркий тибнома»дан

Ҳар ким йўталга гирифтор бўлса, ҳеч даво топилмаса анжирни яхши қайнатиб, сувидан ажратиб, уч кеча-кундуздан кейин ул анжирни еса даф қилгай.

* * *

Агар балиқ ёғини кўзга суртса, равшан бўлгай.

* * *

Ҳар кимни меъдаси оғриса, ёмғирни ҳамма вақт қайнатиб ичса даф бўлғай.

* * *

Агар киши соғир (кар) бўлса, ҳеч иложи бўлмаса, олмурут уруғини ёғини қулоғига томузса қулоғи очилғай.

* * *

Агар аёлни сути келмаса, эчки сутини ичурса сути бисёр келгай.

* * *

Кимсани ит таласа одамнинг сочини сирка билан қайнатиб, ҳар куни ул ит тишлоғон ерға боғланса даф бўлур.

* * *

Агар турпни уруғини суғон (саримсоқ) бирла қайнатиб ола(пес) бўлганига суртса, фойда қилур.

* * *

Агар шақиқа билан оғрийдиган кишилар гули райҳонни суви бирла бошини ювса ҳар турлук бош оғриғи дафъ бўлғай. Агар сочига ва сақолига суртса қора бўлғай.

* * *

Агар кишини чаён чақса, саримсоқни қовуриб еса даф қилғай.

# НОЁБ ТУТ НАВЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИ

Тут дарахтининг барги ипак қурти учун асосий озуқа манбаи ҳисобланишидан ташқари, меваси, ёғочи, илдизи, новдасидан ҳам фойдаланилади.

- Ота-боболаримиз эъзозлаб келган ушбу бойликнинг халқ селекционерлари, олимларимиз томонидан яратилган навлари аксарият ҳолларда эътиборсиз қолиб келаётган эди,- деди Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти директори Ҳомиджон Ҳомидий ЎзА мухбирига. - Ана шу ноёб навларни сақлаб қолиш мақсадида институтимизнинг «Жарариқ» тажриба хўжалигида тут навлари жаҳон коллекцияси ташкил этилди.

Нафақат Марказий Осиё, балки МДҲ давлатларида ҳам ягона бўлган бу ўзига хос тутзор - лабораторияда мазкур ўсимликнинг икки юздан зиёд нав ва тури жамланди. Бу тут генофонди янги навлар яратишда асос бўлиб хизмат қилади, асрлар оша яшаб келаётган ноёб навларни сақлаб қолиш имконини беради.

Янги навли тутзорлар барпо этиш, пилла қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш, пилла сифатини яхшилаш, маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишга замин ҳозирлайдиган мазкур коллекцияда айни кунларда илк бор ўсимликларнинг морфофизиологик хусусиятлари ўрганилмоқда.

*Бу турфа олам*

# КЎҲНА ГАЗЕТАЛАР

Буюк Британиялик Жон Форст коллекциясида 600 номдаги газета бор. Шуниси қизиқки, у антиқа газеталарга кўпроқ эътибор беради. Масалан, Тристанда Кунья оролидан келтирилган газета баҳоси қуйидагича: «Учта сигарета ёки учта катта картошка».

Антарктидадаги АҚШ экспедицияларидан бирининг газетаси картон қоғозга чоп этилган бўлиб, кучли шамолда ўқишга мўлжалланган.

Бизгача сақланиб келган энг қадимги газета 1470 йили Кельнда чиққан. Энг қадимги журнал эса Швед адабиёт академиясида чоп этилган. Унинг илк сони 1645 йилда чиққан.

# ЧЎНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

Япониядаги «Эпсон» фирмасининг француз бўлими экрани суюқ кристалл бўлган оғирлиги тўрт юз грамлик чўнтак телевизорини тақдим қилди. Бу рангли телевизор «Секам» тизимига мўлжалланган бўлиб, батарея асосида ишлайди.

Экран диоганали 13 сантиметр, у станцияларни автоматик равишда топади. Бу телевизор 121108 элементдан ташкил топган.

Унинг овозини колонкалар орқали кучайтириш ҳам мумкин.

**О.ЭРГАШЕВ.**



*Табиат ва биз*

***Ўзининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаётган қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз нафақат тарихий обидалари, пурвиқор тоғлар бағридаги сўлим масканлари, бетакрор ҳайвонот дунёси билан ҳам машҳур. Буюк жаҳонгир Амир Темур бобомиз Омонкўтон довонидан Оқсаройга хавас билан боққан, она диёрининг серфайз табиатини бениҳоя қадрлаган.***

# ҲИСОР ҚЎРИҚХОНАСИДА

Қарийб 81000 гектар майдонни эгаллаган «Ҳисор» давлат қўриқхонаси денгиз сатҳидан 1,5 минг метрдан 4,5 минг метргача баландликда жойлашган. Ташкилотчи ва ташаббускор раҳбар Бахтиёр Оромов бошчилик қилаётган фидойи жамоа 12 минг гектар майдондаги арчазорларни, ноёб ўсимликларни ва ҳайвонот дунёсини, экологик вазиятни сақлашда алоҳида хизмат кўрсатаяпти.

Қўриқхонанинг ўзи бир дунё 870дан ортиқ ўсимлик, 31 турдаги ҳайвон, 116 турдаги қушлар, 9 турдаги судралиб юрувчилар... Шундан 32 тур ўсимлик, 4 тур ҳайвон ва 4 тур қуш «Қизил китоб» га киритилган. Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, ҳайвонот дунёсига зарар етказмаслик ва кўпайтириш, экологик вазиятни, ҳаво ва сув ҳавзаларининг тозалигини сақлаш, тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслик асосий эътиборда.

ЭКОСАН жамғармаси Шаҳрисабз туман бўлими қошида экологик туризм халқаро маркази ташкил этилгач хорижий сайёҳларни яшил диёрнинг хушманзара гўшаларига жалб қилиш мақсадида экотуристик саёҳат хариталарини тайёрлаб, тегишли дастурлар ишлаб чиқилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан ўтказилган «Экологик ва саломатлик» кўрик-танлови республика босқичида «Садо» ҳиссадорлик жамияти биринчи ўринни эгаллади.

Инсон табиат билан тирик. Олис тоғ бағрида «Қизил китоб» га киритилган қорқоплони, Тянь шань қўнғир айиғи, Туркистон силовсини, қундузлар яшайди. Тоғ лолаларининг 5 та тури, анзур пиёзи, олтин томир, мингтомир, сунбулнинг 2 та тури, 100 дан ортиқ доривор ўсимликлар рўйхатда турибди. Қальайи шерон сойининг бошланиш қисмида қадимги динозаврларнинг излари сақланиб қолган.

Тоғ йўллари чақир тошли. Илон изи сўқмоқлар сизни одам қадами етмаган гўшаларга бошлаб боради. Қўриқхона ходимлари ўз иш жойларида ҳамиша хушёр. Мақсад она табиатни асрабавайлашдан иборат.

**Иззат ҲИКМАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР

Наманган отчопарида от спорти бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Мамлакат чемпионатида 40 нафардан ортиқ ёш чавандоз иштирок этди. Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва пойтахт вакиллари шахсий ва жамоалар ҳисобида мусобақалашди.

Наманган вилоятининг ёш спортчилари биринчиликни қўлга киритди, иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти вакиллари эгаллади.

# ИНТЕРНЕТ ЎЗБЕКЧА ТИЛЛАШАДИ

Компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бормоқда. Бу жараён, жумладан, таълим соҳасида яққол кўзга ташланаётир. Ўзбекистон Миллий университети компьютер технологиялари факультетида Интернетнинг ўзбек тилидаги тизимини яратиш, таржимон ва матн таҳрир қиладиган дастурлар билан ишлаш йўлга қўйилди. Компьютерга жойлаштирилган дастурларни давлат тилига ўгириш технологияси жорий этилаётир.

Бу ерда информатика ва информацион технологиялар, амалий математика соҳаси бўйича бакалаврлар, шунингдек, уч йўналиш бўйича магистрлар тайёрланяпти. Бир гуруҳ бакалавр ва магистрларни хориждаги нуфузли илм даргоҳларига малака ошириш учун жўнатиш режалаштирилган.

**(ЎзА).**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21,50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

*Тиражи: 9730* Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6